

13. Бу ҳақда қаранг: **Севортян Э.В.** Общeturкские основы на буквы “Ж”, “Й” //Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1989. – С. 195.
 14. **Бобур З.М.** Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 98.
 15. **Баялиева Д.** Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе, 1972. – С. 54.

УДК: 398(09)894.322ўзб.-1(575.1)

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА УСЛУБИЙ-ШАКЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР
 ФОРМАЛЬНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ
 ПОСЛЕДНИХ ЛЕТ**

**FORMAL-STYLISTIC METHODS OF RESEARCH IN UZBEK POETRY OF THE
 RECENT YEARS**

Кувватова Дилрабо Ҳабибовна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Қурбонова Олтиной Бекмуротовна

БухДУ магистри

Таянч сўзлар: поэтик шакл, учлик, мусаллас, хокку, метафорик маъно, аллитерация, рамзий-мажозий маъно.

Ключевые слова: поэтическая форма, трио, мусаллас, хокку, метафорическое значение, аллитерация, образно-символическое значение.

Key words: poetic style, haiku, classic fard, stylistic studies, alliteration.

Кейинги йиллар ўзбек шеъриятида шаклий-услубий изланишлар ёрқин кузатилмоқда. Айниқса, учлик шаклидаги шеърлар мазмунан мумтоз адабиётдаги фард, шаклан жаҳон шеъриятидаги хокку жанрларига ҳам оҳанглик қилади. Мақолада Э. Шукур ва Ф. Афрўз шеърлари мисолида учлик шаклига хос хусусиятлар ёритилган.

В данной статье представлены результаты формально-стилистических исследований узбекской поэзии последних лет. Так, автором статьи сопоставлены классический жанр «фард» и японское трехстишие «хокку». Также на примере лирических произведений Э. Шукура и Ф. Афруз рассмотрены особенности трехстиший.

This article presents the results of the formal and stylistic studies of the Uzbek poetry of recent years. So, the author of the article compared the classic fard and Japanese haiku. Also on the example of the lyric works of E. Shukur and F. Afruz, the features of the three hundred are considered.

Кириш. Сўнги йиллар ўзбек шеърияти янгича тамойиллар асосида тараққий этди. Жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари таъсирида янги поэтик шакллар пайдо бўлди. Бу поэтик шакллар шоирларимизнинг шаклий-услубий изланишлари маҳсули сифатида намоён бўлди. Рауф Парфи, Усмон Азим, Эшқобил Шукур, Фарида Афрўз, Фахриёр, Улуғбек Ҳамдам сингари бугунги шеърият вакиллари ижодидаги бундай изланишлар ўзбек шеъриятининг дунё мезонларида такомил топишига имконият яратди. Айниқса, бирлик, иккилик, учлик саккизлик сингари поэтик шакллар, тўртлик, марсия каби жанрлардаги шеър намуналари мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради.

Жаҳон адабиётида бирлик, иккилик, учлик сингари поэтик шакллар жанр даражасига кўтарилган, ўзининг жанрий белгиларини намоён этган. Айниқса, япон шеъриятида кенг тарқалган хокку, танка; француз шеъриятидаги рондо, рондель каби жанрлар, ўзбек мумтоз шеъриятидаги фард, мусаллас, рубоий, туюқ сингари жанрлар белгилари бугунги шеъриятимизда ўзига хос бадиий шаклларда юз кўрсатмоқда. Бунинг натижасида жаҳон ва Шарқ шеърияти хусусиятлари уйғунлашган, синтезлашган янги поэтик шакллар пайдо бўлди. Хусусан, Эшқобил Шукур ва Фарида Афрўзнинг изланишлари ижодий камолот босқичидаги ижодкорнинг қиёфасини ёрқин намоён этиб туради. Бу икки шоирнинг кейинги йилларда дунё юзини кўрган асарлари мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Бинобарин, адабиётшунос А. Улуғов таниқли шоир Э. Шукур ижоди ҳақида фикр юритар экан: “Ҳамал айвони”даги шеърларида катта-ю кичикнинг кўнглидаги кечинмалари,

хаётдан тилаклари, орзу-армонлари акс этади. Шоир ҳар биримизнинг ҳеч кимга, ҳатто, ўзимизга ҳам овоз чиқариб айтолмайдиган, кўнглимиз тубида турган кечинмаларни жаранглаган сўзларда ифода этади”, дея таъкидлайди [1, 130]. Ҳақиқатан, шоир қалб туйғуларини жаранглаган сўзларда ифода этиш учун унга мос бадиий шакллар излашга интилади. Фарида Афрўз яратган учликлар ҳам мазмун-моҳияти, фикр ва туйғу уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради. Кейинги йиллар ўзбек шеъриятидаги кечаётган янгиликларни Э. Шукур ва Ф. Афрўз учликлари асосида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Асосий қисм. Маълумки, кейинги йиллар шеъриятида учлик бандлардан ташкил топган шеърлар кўплаб яратилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздай, булар ҳали жанр даражасига кўтарилмаган. Сабаби, жанрнинг ўз талаблари бўлади. Яъни унинг тузилиши, қофияланиши, мазмуни қатъийлик касб этади. Бироқ ҳозирги шеърятдаги изланишлар натижасида юзага келаётган шеърларни кўпроқ бадиий шакл тарзида баҳолаш мумкин. Э.Шукурнинг ҳам бу йўналишдаги ижодий изланишлари янги поэтик шаклларни яратиш йўлидаги дадил қадамлардир.

Мумтоз шеърятда мусаллас жанридаги асарлар арузда ёзилиши билан ўзига хос хусусият касб этади. Замонавий шеърятда эса шундай шеърларни яратишда ижодий анъана ва ўзига хос новаторлик белгилари кузатилади. Э. Шукур шеърлари мисолида фикрларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

“Меҳринисога айтган алламиз” шеъри учлик бандлардан иборат. Бу шеър шаклан мумтоз адабиётдаги мусалласни ёдга солади. Гарчи асар учлик бандлардан ташкил топган эса-да, унинг вазни, қофияланиш шакли, мазмуни мусаллас дейишга асос бермайди:

Алласин юлдуз айтсин,
Тун айтсин, кундуз айтсин,
Эна қиз ухласин, эна қиз.
Кемадай чайқалар беланчак,
Шамоллар солади ҳалинчак,
Эна қиз ухласин, эна қиз... [2, 31].

Тилак мазмунидаги юқоридаги сатрларда алла оҳанги мавжуд. Унда мусалласдан фарқли равишда қофияланиши ўзига хос. Яъни бандлардаги дастлабки икки мисра ўзаро қофияланиб, учинчи мисралар нақорат шаклида битилган. Бунда бир мисра ҳамма бандлар сўнггида такрорланиб келади. Айтиш мумкинки, бу нақоратнинг замонавий ўзбек шеъриятидаги янги кўриниши дейишимизга асос бўла олади. Поэтик фикр содда ва равлон ифода этилган юқоридаги мисраларда эзгулик барқ уриб туради. Шоир ташбеҳлари ҳам оҳорли: беланчакнинг чайқалиши кемага ўхшатилади.

“Шикаста-шикаста” деб бошланувчи шеърда эса бошқача шаклий изланиш кўзга ташланади:

Шикаста-шикаста гул пошикаста,
Шокила-шокила кокиллари зар,
Синсила-синсила сумбуллари зар.
Шикаста-шикаста гул пошикаста,
Зор-зор кўзларимга тўлди ҳовучим,
Кўнгил экиб борар йиртиқ ковушим [2, 59]

Эътибор берилса, шеърнинг қофияланиши ўзига хос. Яъни, бунда дастлабки мисра нақорат мазмунига эга. Кейинги икки мисралар эса ўзаро қофияланиб келган. Бунда шоир мумтоз ва замонавий шеърят хусусиятларини уйғунлаштира олган. Чунки мумтоз шеърятда мукаррар (такрорий сўзларнинг келиши) кўп кузатилади. Поэтик фикрни таъсирчан ифодалаш мақсадида шоир шу санъатни қўллаган. Гул метафорик маънода суюкли ёр, пошикаста эса аёл маъносида ишлатилган. Дастлабки банднинг учинчи мисраси ҳам анъанавийлик касб этган. Ёрнинг сочи бадиий ифода этилган “Синсила синсила сумбуллари зар” сатрида “с” товуши асосида аллитерация яратилган.

“Иккимиз ялпизлар ичида эдик” деб бошланувчи шеърда шоир қофиянинг янада бошқача шаклини қўллаган:

Иккимиз ялпизлар ичида эдик...
Беомон ўрдилар уларни,
Яшил доғлар қолди юзларимизда.

Иккимиз юлдузлар ичида эдик,
Бенарвон урдилар уларни,
Синиқлари кирди кўзларимизга [2, 69].

Аввало, шеър шаклини кўздан кечирсак, бадиий мазмун шакл билан уйғунлашгани кўзга ташланади. Яъни муҳаббатли икки қалб кечинмалари ифода этилган юқоридаги сатрларда халқона мазмун бор, метафоралар оҳорли. Чунки ялпиз яшил бўлади. Ўз маъносида ҳам уни ўриб олгандан сўнг ҳам ерда яшиллик сақланади. Демак, пок муҳаббатни қалбдан ўчириб ташлашга қанча ҳаракат қилинмасин, у қалб тубида яшайди. Зеро, яшил доғларнинг юзларда қолиши шу жиҳатдан ҳаётий. Халқимизда “юлдузни бенарвон урмоқ” ибораси машҳур. Бу ибора кўпроқ адашмайдиган кишиларга ишлатилади. Юлдузларнинг бенарвон урилиши бу ерда ишнинг парча-парча қилинишга ишора. Бироқ, ишқ синиқ ҳолда бўлса ҳам ошиқ қалблар кўзида яшайди. Шеърда қатъий қофияланиш кузатилмайди. Унда кўпроқ халқ оғзаки ижодига хос сажънинг таъсири кўринади. “Ялпизлар – юлдузлар”, “ўрдилар – урдилар”, “юзларимизда – кўзларимизда” сингари оҳангдош сўзлар буни тасдиқлаб туради.

Фарида Афрўз бу борадаги шаклий изланишларини “тасбеҳ” дея номлайди. Мазкур термин диний моҳият касб этади. Ислонда тасбеҳ дейилганда “Субҳоноллоҳ”, “Алҳамдулиллаҳ”, “Оллоҳу акбар” тушунилади. Қолаверса, бу учликларнинг мазмунан фардга яқин, ахлоқий фикрларга бой ва тугаллик касб этган. Шу билан бирга мусаллас жанридаги шеърларнинг ҳар бир банди уч мисрадан таркиб топади. Дантенинг “Илоҳий комедияси” ҳам шаклан учлик бандлардан тузилган. Кўринадики, замонавий ўзбек шеъриятида бу бадиий шаклнинг пайдо бўлиши тасодикий эмас.

“Фарида Афрўз жаҳон адабиёти билан ўзбек адабиётининг алоқаларини қўлдан келганча ривожлантиришга уринаётган ва бинобарин, жаҳон адабиётининг илғор тамойилларидан ўрганишга ҳаракат қилаётган фаол ижодкорларимиздан биридир” – деб ёзади академик Бахтиёр Назаров [3]. Ҳақиқатан, шоиранинг учлик шаклидаги ижодий изланишлари яхши самаралар бераётганлигини юқоридаги фикр тасдиқлаб туради. Шоира ёзади:

Бугун тонгда тирик уйғондим,
Бир коса сув ичдим...
Шукр... [4]

Инсон ҳаёти ҳақидаги ҳаётий хулоса учликда мужассам. Зеро, ёруғ дунёда яшаш инсонга берилган энг буюк эҳсондир. Эрталаб тонгда уйғониш эса шу ҳаётнинг давом этаётганлигидан дарак бериб туради. Шу билан бирга унда шукроналик ҳисси барқ уради. Инсон ҳар бир ўтган дақиқасида умр югуриклигини ҳис қилиб яшаши керак.

Халқимизда “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деган гўзал мақол бор. Шу ҳикматли сўз моҳияти қуйидаги учликда ўз ифодасини топган:

Мен сени жуда кўп ахтардим,
Дунёни гир кездим, ташна, бемажол,
Олдимдан оққан сув [4].

Бинобарин, дастлабки сатрни ўқиган шеърхон нимани дунёни кезиб ахтариш мумкин, деган фикрга боради. Шоира излаётган нарсаси эса инсон қадри. Зеро, қадр-қиммат “ташна”, “бемажол” ахтаришга арзигулик, инсоннинг инсонлигини эслатиб турувчи бебаҳо маънавий бойлиқдир.

Халқимизда “Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан асрасин” деган доно фикр бор. Назаримизда, булар орасида инсоннинг маънавий ҳаётини остин-устун қиладигани – тухмат балоси бўлса керак. Ф. Афрўзнинг яна бир учлиги шу ҳақиқатлардан сўзлайди.

Тухмат, бунча тошларинг зил,
Ахир недан яралгансан, айт,
Оғирдирсан Яратгандан ҳам [4].

“Тухмат тошлари” шеъримизда кўп-кўп ишлатилган эса-да, бу ердаги маъно янада теранлик касб этган. “Тухмат тошлари” инсонни руҳан эзади. Шу боис, шоира уларни зилга қиёс этади. Шоира шу фикр билан чекланмайди. Тухмат нафақат инсонга, балки Яратувчига ҳам оғирлик қилади.

Шоир учликларида рамзий-мажозий маънолар ифодаси ёрқин кузатилади:

Сўзга чиқди сўзамол тўти,
Булбул бўлди, сайради, чунон,
Аммо исми ҳамон Тўтихон.

Бунда тўти ва булбул поэтик образлари ҳам аслида инсон тийнати очиб беришга қаратилган. Чунки тўти бийрон, булбул эса куйчи. Ҳеч қачон тўти булбул бўла олмайди.

Дўстни фақат ўзинг топасан,
Душман эса ўзи келади.
Икковисиз яшаб ҳам бўлмас [4].

Юқоридаги учлик умуминсоний мазмунга эга. Зеро, дўстни инсоннинг ўзи топади, душман эса ногаҳонда пайдо бўлади. Биз душманимизга қараб ўзимизни тафтиш қиламиз. Яшаб турган ҳаётимиз яхшилик ва ёмонлик кураши асосида қурилган экан, ҳамини яхшиликнинг устун бўлиши учун ҳаракат қиламиз.

Бу дарёда ҳурлар ҳам,
Итлар ҳам чўмилаверади.
Шундай буюк дарёдир бу Ишқ [4].

Бинобарин, ишқ талқинида шоирларнинг ташбеҳлари бисёр. Шоира уларни тақдор-ламасликка интилади. Ижодкор Ишқни буюк дарёга қиёслади. Дарёда эса ҳурлар ҳам, итлар ҳам чўмилади. Шоира талқинида, “Ишқ олдида шоҳ ва гадо тенг”дир.

Хулоса. Таҳлил этганимиз учликлар мазмундорлиги, ҳаётга ҳамроҳлиги, ҳикматомуз моҳиятга эгалиги ва ихчамлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу Эшқобил Шукур ва Фарида Афрўз ижодий изланишлари шеърятимизнинг жаҳон адабиёти билан бўйлашиши йўлидаги эзгу ҳаракатлар эканлигини намоён этиб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Улуғов А.** Қалб қандили. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 286 б.
2. **Шукур Э.** Ҳамал айвони. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 318 б.
3. **Дил афрўз шоира.** Адабиётшунос Бахтиёр Назаров билан файласуф Убайдулла Розуқуловнинг шоир Фарида Афрўз ижоди ҳақида суҳбати. Шарқ юлдузи, 2017, ноябрь.
4. WWW. ziyo.uz.com.

УДК: 398.83: 392.51(575.1)

ОВУТМАЧОҚЛАРНИНГ НАМАНГАНЧА ЛОКАЛ ВАРИАНТЛАРИНИНГ СПЕЦИФИКАСИ ВА ПОЭТИКАСИ

СПЕЦИФИКА И ПОЭТИКА НАМАНГАНСКОГО ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА

THE SPECIFICS AND POETICS OF LOCAL NAMANGAN VERSIONS OF FOLKLORE FOR CHILDREN

Мирзаева Салима Раимжоновна

АДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Турғунов Шерали Долихонович

АДУ мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: фольклор, болалар фольклори, жанр, оутмачоқ, локал, вариант, поэтика.

Ключевые слова: фольклор, детский фольклор, жанр, потешки, локал, вариант, поэтика.

Key words: folklore, children folklore, genre, consoling poems (ovutmachog), local, version, poetics.

Ушбу мақолада болалар фольклорида алоҳида жанр сифатида тан олинган оутмачоқларнинг наманганча локал вариантлари аниқланиб, уларга хос специфик ва поэтик белгилар хусусида фикр юритилган.

В данной статье рассмотрены специфические особенности потешек, как одного из самостоятельных жанров наманганского детского фольклора.

The Namangan local versions of consoling poems (Ovutmachogs), recognized as a separate genre in children folklore, are defined and their specific poetic peculiarities are considered in the article.